

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ 1105-62

2013 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2013 йил “10” декабр даги
434 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган

**Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки
ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий таълим**

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасбий ва ихтисослик фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишининг ўкув дастури

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил “ 20 ” декабрдаги 5- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар: ТТЕСИ проф. А.М.Салимов, доц. Б.К.Хасанов,
проф. Б. Г.Зиёмухаммадов,
п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ хузуридаги тармоқ маркази директори,
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ хузуридаги минақавий марказ директори.

Тақризчилар: ТТЕСИ доц. В.Исакулов,
«Ўзбекенгилсаноат» ДАК бўлим бошлиғи,
т.ф.н. А.Абдуллаев.

Ўқув дастурлари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Илмий кенгашида тавсия қилинган (2013 йил 25 ноябрдаги 4-сонли баённома).

Кириш

Педагог кадрларни малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 25-сонли Қарори, "Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ҳақида Низом" талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-1533-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли қарори республикамизни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар, таълим муассасаларининг эҳтиёжларидан ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш бўйича ютуқлар таълим дастурида ўз ифодасини топган.

Малака оширган тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билиши, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришуви ва мазкур таълим тизимида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва таълимнинг интерфаол усулларини амалда қўллай олиши, ахборот-коммуникация технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.
- Электрон педагогика асослари.
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.
- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича таълимда инновациялар.
- Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларининг илмий муаммолари.
- Саноат корхоналаридаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Касбий таълим мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.
- Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий таълим” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий таълим” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагог кадрларининг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;

- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишининг самарали шаклларини танлаш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича таълимда инновациялар;
- тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларининг илмий муаммолари;
- саноат корхоналаридаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш;

- касбий таълим мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси;
- тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий маҳорат **малакаларига** эга бўлиши лозим.

Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий таълим» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамиятнинг ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари,

умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълимтарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш

Умумий сифат менежменти тушунчаси, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битиравчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битиравчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

II. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва

оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристики. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогга қўйилаётган замонавий талаблар, дидактик воситалар ва улардан фойдаланиш. Ўқитиш методлари. Маъруза, амалий дарс, лаборатория ва семинарларда ўқитиш технологиялари лойиҳалаш методи. Кейс стади талabalарни кичик гуруҳларда ишлашини ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникиси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрьдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган Интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Тажрима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмuni ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6.Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўкув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўкув мақсадларига мослиги.

2.7. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-хуқукий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлашириш.

Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича таълимда инновациялар.

Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича таълим жараёнида илғор педагогик услугуб ва технологиялари (“case study” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, муаммоли, масофали ўқитиш ва бошқалар). Таълим технологиясига берилган таърифлар. Таълим жараёни тузилмасининг асосий элементлари. Таълим берувчи ва таълим оловчи. Таълим мақсадлари. Кутилаётган натижалар. Таълим мазмуни. Таълим методлари. Таълим шакллари. Таълим воситалари. Баҳолаш ва таҳлил қилиш. Таълим технологияларининг турлари: анъанавий, масофавий, модулли, муаммоли, табақалаштирилган, индивидуал, ҳамкорликда ўрганиш, моделлашириш ва бошқа таълим технологиялари йўналишлари бўйича таълимда инновациялар.

3.2. Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиялари.

Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш корхоналарининг техника ва технологиялари, уларнинг самарадорлиги таҳлили.

Тармоқ корхоналарига жорий этилаётган техника ва технологиялар, уларнинг таҳлили. Тармоқ корхоналарига қўйиладиган асосий талаблар.

Илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш.

Мавжуд техника ва технологиялардаги камчиликлар, илмий амалий муаммолар ва уларни ечиш йўллари.

3.3. Саноат корхоналаридаги замонавий жиҳозлардан фойдаланиш технологиялари.

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналаридаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш йўллари. Корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик жараёни. Саноат корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги илфор тажрибалар. Корхоналарда маҳсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий жиҳозларни тадбиқ этиш йўналишлари. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда технологик жиҳозларини танлаш ва улардан фойдаланиш.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Материалшунослик.

Тўқимачилик материалшунослиги. Тўқимачилик материаллари, тўқимачилик толалари, иплари ва тайёр маҳсулотларнинг олиниши, уларнинг тузилишини, хусусиятларини ва сифатини аниқлаш усуллари. Кимёвий толалар ва иплар. Табиий ипак иплари ва уларнинг қўлланилиши. Жун толаси ва унинг ишлатилиши. Сунъий толалар ва уларнинг олиниши. Аралаш толалар.

4.2. Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий маҳорат.

Касбий маҳорат. Касбий маҳоратнинг моҳияти ва таркибий қисмлари. Педагогик қобилият ва уларнинг ўқитувчилар фаолияти жараёнида шакллантириш жиҳатлари. Педагогик инсонпарварлик.

V. Танлов фанлари модули

Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий таълим йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича таълимда инновациялар, тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларининг илмий муаммолари, саноат

корхоналаридаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш, касбий таълим мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси, тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий маҳорат мавзулари доирасида олиб бориш. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарслекларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:

1. Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича таълимда инновациялар.
2. Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларининг илмий муаммолари.
3. Саноат корхоналаридағи замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш.
4. Касбий таълим мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.
5. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.
6. Тўқимачилик, енгил саноат ва табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналишлари бўйича касбий маҳорат.
7. Трикотаж матодан кичик мактаб ёшдаги комплектига ишлов бериш технологияси ва дарс ўтиш методикасини яратиш.
8. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси бўйича дарс ўтиш методикаси.
9. Замонавий тўқув жиҳозларини ўргатиш бўйича дарс ўтиш методикаси.
10. Тўқимачилик буюмларини лойиҳалаш бўйича дарс ўтиш методикаси.
11. Пневмомеханик усулда йигирилган ипнинг пишитиш жараёнини тадқиқ этиш ва пишитиш жараёнини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиши.
12. Янги турдаги пишитилган ип ишлаб чиқариш жараёнини муаммоли таълим технологияси асосида ўқитиш.
13. “Бадиий безакдаги янги креп шойи матоларининг тузилиши ва уларнинг тўқув дастгоҳида шаклланиш технологияси” мавзусини ўқитишида педагогик технологияларнинг қўлланилиши.
14. “Креп матоларининг креп жилосини баҳолаш ва уларни бошқариш” мавзусини модулли ўқитиш технологияси асосида ташкил этиш.
15. Пилталаш жараёнини такомиллаштиришни тадқиқ этиш ва ушбу жараённи ўқитишининг ташкилий услубий асослари.
16. Хар хил структурали трикотаж ипларини йигириш технологиясини тадқиқ этиш.
17. Йигирилган ипларнинг структурасини тадқиқ этиш.
18. Истиқболли ғуза навларидан олинган тола ва ип сифат кўрсаткичларини тадқиқ этиш.
19. Янги ассортиментдаги ипак-трикотаж матоларининг сифат кўрсаткичларини тадқиқ этиш.
20. Янги таркибдаги глад трикотаж матосини физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг кўлланилиши:

- модулларнинг барча мързузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илфор тажрибаларини ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори

22. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.

23. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002й. 218 б.

24. Педагогик маҳорат асослари муаммоли маъruzалар курси: муаллиф доц. Қодиров Ш. НамМПИ. Наманган, 2005.-104 б.

25. Бердиев Г., Мамедов Ш. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.- Тошкент: ТДАУ, 2001.-76 б.

26. А. Нишонов, Б. Ҳайдаров, Б. Нуридинов, Д. Рассоқов ва бошқ. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тренерлар учун қўлланма./ тузувчи муаллифлар Тошкент., 2002 йил.

27. Олимбоев Э.Ш, Давиров Ш.Н. «Ўзбекистон корхоналарининг маҳсулоти ва уларни ишлаб чиқариш технологияси» Т. 2002 й.

28. Э.Ш. Алимбоев ва бошқалар “Тўқувчилик технологияси ва тўқув станоклари” Тошкент, “ўқитувчи”- 1987й. 216 б.

29. Абдукудусов О., Тўраев А., Ахмадалиев А., Боқиев Ф., Рассоқов Д. Ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси. Илмий-услубий қўлланма. – Т.: Фан, 2012 – 240 б

30. А. Салимов “Табиий толаларни дастлабки ишлаш” Ўқув услубий мажмуа Тошкент, ТТЕСИ 2009,- 143 б,

31. Salimov A. “Tolani dastlabki ishlash texnologiyasi va mashinalari” Т. , “Moliya-Iqtisod”, 2010, - 182 б.

32. Salimov A. “Tola sifatini aniqlash”. Toshkent, “Turon-Iqbol”, 2006, - 175 б.

Интернет маълумотларини:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz

5. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

6. www.press-uz.info

7. <http://www.uforum.uz/>

8. <http://www.xabar.uz>

9. www.ziyonet.uz

10. www.edu.uz

11. www.pedagog.uz

12. www.tdpu.uz

15. www.legprominfo.ru

16. www.textil-press.ru

17. www.fatex.ru